

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНТСИТУТИ

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилади”

Кафедра мудири

проф. Уразов К.Б. _____

“___” _____ 2018 йил

Баённома №___ 2018й. _____

БХ-гуруҳ талабаси Тўрабеков Соҳибжон Шербой ўғлининг

**5230900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АСОСИЙ
ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ”
 (“SINO” АЖ мисолида)” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: проф. К.Б.Уразов

САМАРҚАНД - 2018

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ.....	3
1- боб	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1.	Асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги моҳияти, аҳамияти ва таснифий асослари.....	7
1.2.	Асосий фаолиятдан олинган даромадларни тан олиш ва баҳолаш мезонлари ва тамойиллари.....	17
1.3.	Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби ва аудитининг вазифалари.....	22
2- боб	“SINO” АЖДА АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛ- ЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	26
2.1.	“SINO” АЖ фаолиятининг умумий тавсифи.....	26
2.2.	“SINO” АЖда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар ҳисоби.....	30
2.3.	“SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларнинг ҳисоби.....	35
2.4.	“SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш йўллари.....	37
3- боб	КОРХОНАЛАР АСОСИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР АУДИТИ.....	44
3.1.	Асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудитининг ташкилий таъминоти.....	44
3.2.	“SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудити.....	47
3.3.	“SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар аудити.....	56
3.4.	“SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва даромадлилик даражасини ошириш бўйича аудиторлик тавсиялари.....	59
3.5.	“SINO” АЖда ҳаёт хавфсизлиги ҳолати ва унинг аудити.....	63
	ХУЛОСА.....	68
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	71
	ИЛОВАЛАР.....	75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ ва унинг ижроси юзасидан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури»да² фаол тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, инновацион ғоя ва технологияларни қўллаб-қувватлаш, барча тармоқ ва соҳаларни тубдан модернизациялаш, маҳсулот, иш ва хизматларни диферсификациялаш, улар сифатини ва экспортбоплигини ошириш ҳамда таннархини пасайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларнинг устуворлиги негизида барча тармоқ ва соҳаларни, уларга кирувчи хўжалик юритувчи субъектларни барқарор ривожлантириш, мамлакатимизда яратилаётган ички маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, шу асосда халқимиз фаровонлигини таъминлаш каби улуғвор мақсад ётади.

Ҳар бир корхонанинг мамлакат равнақидаги ўрни, маълумки, улар олаётган даромад миқдорида ёрқин намоён бўлади. Даромад ҳар бир корхона молиявий хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Кам сарфлар билан кўп миқдордаги даромадга эришиш фойдага эришишнинг асосий шарти ҳисобланади. Ушбу ва бошқа шартлар барча хўжалик юритувчи субъектларда даромадларни бошқариш воситаларини, чунончи бухгалтерия ҳисоби ва аудитни таъсирчанлик кучини янада оширишни, уларни замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштиришни тақоза этади. Айнан шулар корхоналар асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 4947-сон фармони билан тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли фармони билан тасдиқланган.

аудити масалаларига бағишланган ушбу тадқиқотнинг долзарблигидан дарак беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳамда уларни янада такомиллаштириш йўллари асослашдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унинг олдида қуйидаги асосий вазифалар қўйилди:

- ишлаб чиқариш корхоналари асосий фаолиятдан олинadиган даромадларининг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифий ва тавсифий жиҳатларини очиб бериш;
- ишлаб чиқариш корхоналари асосий фаолиятдан олинadиган даромадларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиб ҳамда тамойилларини белгилаш;
- ишлаб чиқариш корхоналари асосий фаолиятдан олинadиган даромадлар ички ваташқи аудитининг мақсад ва вазифаларини кқрсатиб бериш;
- “Сино” АЖда асосий фаолиятдан олинadиган даромадлар ҳисоби ҳолатини ўрганиш, ундаги камчиликларни аниқлаш ҳамда ушбу камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;
- “Сино” АЖ амалий материаллари асосида асосий фаолиятдан олинadиган даромадлар аудитининг ташкилий жиҳатлари ва услубий тартибларини, шунингдек уларга оид аудиторлик иш ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиблари хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан чоп этилган

ишларда ўз аксини топган. Чунончи, ушбу мавзунин назарий, ташкилий ва методологик жиҳатларини очиб бериш борасида хорижлик олимлардан К.Д. Ларсон, Р. Либби, Р.Х. Ҳермансон, Р. Энтони, Б. Нидлз, Ф. Вуд, В.П. Астахов, В. Качалин, М.И. Кутер, В.Ф. Палий, Я.В. Соколов, В.И. Ткач, республикамиз олимларидан К.Б.Уразов, А. Алиқулов, Ҳ.Н.Мусаев, А.Каримов, М.Қ. Пардаев, Р. Дўстмуродов, С.Н.Тошназаров томонидан чоп этилган илмий ишлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар диққатга сазовордир. Бироқ, шуларга қарамасдан, ҳали ҳам турли йўналишдаги ва ихтисосликдаги ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобини юритиш ҳамда аудиторлик текширувида турли муаммолар мавжуд ва улар ечими чуқур тадқиқотларни олиб боришни тақоза этмоқда.

Битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотлар объекти сифатида Самарқанд шаҳрида жойлашган ва маиший техника жиҳозларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “SINO” АЖ танлаб олинди. Битирув малакавий ишимизда тадқиқотлар предмети бўлиб ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан ҳамда асосий фаолиятдан олинаётган бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳамда улар аудитининг назарий, ташкилий ва услубий жиҳатлари ҳисобланади. Битирув малакавий иши айнан ушбу корхонанинг буюртмаси асосида бажарилган, айрим таклиф ва тавсияларимиз унинг амалиётига жорий этилган.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлари, республикамиз Президентининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга доир фармонлари, асарлари, даромадларни ҳисобга олиш ва аудитига оид Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлиги ва бошқа вазирликларнинг Низом ва йўриқномалари, шунингдек республикамиз ва хорижлик олимларининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича чоп этилган адабиётлари, илмий маколалари ва бошқалар ишимизнинг методологик асосларини ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши ва ҳажми.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми 74 бетни ташкил қилади. Унинг таркибида 14 та жадвал, 13 та расм, 2 та диаграмма, иш охирида эса “СИНО” АЖнинг амалий материалларига доир ҳужжатлар нусхалари келтирилган

I-бoб. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги моҳияти, аҳамияти ва таснифий асослари

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларида бири бу ишлаб чиқариш корхоналари, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тараққиётини таъминлаш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини янги босқичга кўтариш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш каби хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: “Олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш ва илғор технологиялар билан қайта қуроллантиришнинг бош шарти бўлган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш муаммосидир”³, деб таъкидлаган эдилар. Қолаверса, мухтарам президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини йўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқини ҳам, давлатини ҳам боқади. Мен такрор бўлса

³ Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг 2012 йилги мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

ҳам, айтишдан чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади”⁴, деб таъкидлади.

Ўтган 2017 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида янги ютуқ ва натижаларга жуда бой бўлди. Хусусан, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони қабул қилиниши ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та усувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланиши мамлакатимизни кейинги 5 йил ичида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари аниқ белгилаб берилди ҳамда ушбу фармоннинг қабул қилиниши аҳоли ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида яқин келажакда туб ўзгаришлар амалга оширилишини кафолатлаб берди.

2017 йил якунлари бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўтган йилга нисбатан 5,3% га, саноат маҳсулотлар ҳажми 4,6% га, қурилиш пудрат ишлари 5,6% га, чакана савдо айланмаси 14,4% га, хизматлар соҳаси 6,9% ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2016 йилдаги нархларга нисбатан 118,9 фоизни ташкил этди. 2017 йил якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ 7692 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3,6 % га ошди⁵.

Ишлаб чиқариш соҳасида электр ва маиший-техник жиҳозларни ишлаб чиқариш тармоғи муҳим ўрин тутди. Улар ичида халқ ҳаёт сифати ва даражасида муҳим ўрин тутувчи ноутбуклар, тюнёрлар, DVD приставкалари, сунъий йўлдош орқали фаолият кўрсатадиган ва кабелли телевидение, духовкали электр печлар, музлатгич, совутгич, чанг ютгич каби буюмларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи субъектлар ўзига хос аҳамиятга

⁴ Ш.М.Мирзиёев. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ўзбекистон Республикаси президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан. Тошкент – “Ўзбекистон”-2016 й.

⁵ <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3222-yalpi-ichki-mahsulotni-ishlab-chiqarish-3>

моликдир. Зеро, Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда. Мустақиллик йилларида аҳолининг телевизорлар билан, айниқса, мутлақо янги авлод телевизорлари – плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар ошгани ҳам оилаларимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Ҳолбуки, йигирма йил аввал бундай ашёлар ҳақида ҳеч нарса билмасдик, ҳозирги кунда эса уларсиз ҳаётимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксариятини мамлакатимиз корхоналарида ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз”⁶.

Ўзбекистон Республикаси 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, шу жумладан, хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш” вазифалари белгиланган ⁷. Қўйилган вазифаларни амалга оширишда корхоналарининг асосий фаолиятидан олинган даромадлари муҳим аҳамият касб этади. Айнан даромад ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг, уларни қандай маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашганидан қатъий назар, бош кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Даромад қилинган барча харажатларни қоплаш ва фойда олишнинг асосий манбаидир. Айнан шулар даромадларни иқтисодий

⁶ Каримов. И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2015 йил 16 январь.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан тасдиқланган .

фанларнинг, чунончи бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг муҳим объектларидан бири сифатида тавсифлайди.

Даромадларнинг иқтисодий категория, шунингдек бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг муҳим объекти сифатидаги таърифи, таснифи ва тавсифи республикамизнинг қонун ҳужжатларида ҳамда даврий адабиётларда атрофлича очиб берилган. Чунончи, республикамизнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонунида (7-модда) даромадлар бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларидан бири сифатида белгиланган.

Республикамизнинг 00-сон БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”да⁸ даромадларга активларнинг келиб тушиши ёки мажбуриятларнинг камайиши орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг кўпайишидир, деган таъриф берилган.

Республикамизнинг 2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар”⁹ деб номланган ва унда даромад деганда хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида олинган даромадлар, шу жумладан маҳсулотни сотиш (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш)дан олинган даромадлар, олинган фоизлар, дивидендлар, роялтилар ва бошқалар тушунилади.

Корхоналар даромадларини республикамизнинг кўплаб олимлари ҳар хил таснифлаган. Жумладан, иқтисод фанлари доктори, профессор К.Б. Уразов ушбу кўрсаткични 2 та катта бўлимга бўлиб турлаган. Булар:

1. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар;
2. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар.

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар таркибига К.Б. Уразов маҳсулот, товар, иш ва хизматларни сотишдан тушган даромадларни киритган. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар таркибига эса муаллиф одатий ва ҳар кунлик фаолиятга хос бўлмаган хўжалик

⁸ АВ томонидан 14.08.1998 й. 475-сон билан рўйхатга олинган, Молия вазирлиги томонидан 26.07.1998 й. 17-07/86-сон билан тасдиқланган

⁹ АВ томонидан 26.08.1998 й. 483-сон билан рўйхатга олинган, Молия вазирлиги томонидан 20.08.1998 й. 41-сон билан тасдиқланган.

муомаларидан олинган даромадларни киритган. Проф. К.Б. Уразов томонидан келтирилган корхоналар даромадлари таркиби, республикамизда амалда бўлган 21-сон БХМС “хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномада”да¹⁰ даромадларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар тизимига монанд келади (1-расмга қаранг).

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 20-боби ҳам юридик шахсларнинг даромадларига бағишланган. Унга мувофиқ корхоналар даромадларига қийидагилар қиради:


1. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;
2. Бошқа даромадлар

¹⁰ АВ томонидан 23.10.2002 й. 1181-сон билан рўйхатга олинган



1-расм. Корхона даромадлари таснифи ва таркиби

Солиқ Кодексининг 132-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқа даромадлари қуйидаги турларга ажратилган (2-расмга қаранг).



2-расм. Солиқ кодексига мувофиқ ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқа даромадлари таркиби

Корхоналар даромадларини солиқ солиш нуқтаи назаридан ўрганадиган бўлсак, бир қанча кўрсаткичлар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди (3-расмга қаранг).

Устав капиталига олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан ортиқ суммаси;	
Оддий ширкат шартномаси шеригининг шартнома шериклари умумий мулкидаги улуши қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси миқдориди;	
Реализация қилинаётган товарлар(ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки бўнақ тарзида олинган маблағлар;	
Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;	
Бюджетдан берилган субсидиялар;	
Олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;	
Нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва текин келиб тушган маблағлар;	
Сутурта шартномалари бўйича сутурта товони (сутурта суммаси тариқасида олинган маблағлар;	
Ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган молиявий ижара (лизинг) объекти қийматининг қопламаси;	
ва бошқалар.	

3-расм. Солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайдиган кўрсаткичлар

Корхоналар даромадларининг ҳар бир тури ўзига хос мазмун-моҳиятга эга. Қуйида уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз.

Маҳсулотларни реализация қилишдан олинган даромад деганда корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқарган маҳсулотларни харидорларга келишув баҳоларида сотишдан тушадиган соф тушум тушунилади. Соф тушум (СТ), ўз навбатида, сотилган маҳсулотнинг таннари (Т) ва унинг устига қўйилган корхона фойдаси (Ф) суммасидан ташкил топади, яъни:

$$СТ = Т + Ф$$

Умумбелгиланган солиқ режимида ишловчи корхоналар солиқ қонунчилигига кўра ўз маҳсулотларини уларнинг корхона баҳоси устига билвосита ёки эгри солиқларни (акциз солиғи, ҚҚС, транспорт воситалари учун истеъмол солиғи) қўйиб сотадилар. Бунда маҳсулотни сотишдан олинган умумий сумма ялпи тушумни ташкил этади. Ушбу корхоналарда соф тушум (СТ) сотишдан олинган ялпи тушум (ЯТ) суммасидан билвосита ёки эгри солиқлар (ЭС) суммасини айириш орқали топилади, яъни:

$$СТ = ЯТ - ЭС$$

Ягона солиқ тўлови (ЯСТ) режимида ишловчи корхоналарда маҳсулот унинг сотиш нархи устига эгри солиқларни қўймасдан сотилади. Шунинг учун бундай корхоналарда соф тушум ва ялпи тушум кўрсаткичлари суммалари бир-бирига тенг бўлади, яъни:

$$СТ = ЯТ$$

Маҳсулот сотишдан олинган даромадларга юқорида берилган таъриф ва тавсиф сотилган товарларга ҳам дахлдордир. Бунда фақат маҳсулот ўрнини бошқа субъектлардан сотиш учун сотиб олинган харид товарлар эгаллайди.

Бажарилган ишлардан олинган даромад деганда корхона томонидан буюртмачиларга тузилган шартномалар асосида бажариб берилган қурилиш, қурилиш монтаж ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш каби ишларнинг пул бирлигидаги қиймати тушунилади. Соф тушумни аниқлашнинг юқорида келтирилган алгоритмлари ва тартиблари бевосита бажарилган ишларга ҳам тегишлидир.

Кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар деганда корхона томонидан унинг мижозларига кўрсатилган турли хизматлардан олинган соф

тушум тушунилади. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар сирасига транспорт хизматлари, воситачилик хизматлари, савдо, умумий овқатлантириш, лизинг ва бошқаларни киритиш мумкин олинган.

Корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларининг ҳар бири ҳам ўзига хос мазмунга, шунингдек ҳисоб-китоб тартибига эга. Уларнинг айримлари қуйида келтирилган.

Асосий воситаларни сотиш ва бошқа чиқимларидан олинган фойда деганда ушбу активларни сотиш, ликвидация қилиш, таъсис бадали сифатида киритиш ва бошқа чиқимларидан олинган соф даромад тушунилади. Ушбу соф даромад (Дс) асосий воситаларни сотиш (бериш) қийматидан (Сқ) уларнинг қолдиқ қиймати (Ққ)ни ва эгри солиқларни (Эс)ни айириш ҳамда олдинги қайта баҳолаш суммасини (Қб) қўшиш орқали топилади, яъни:

$$Дс = Сқ - Ққ - Эс + (Қб)$$

Асосий воситаларни сотиш ва бошқа чиқимларидан олинган соф даромад (фойда)га юқорида берилган таъриф ва тавсиф сотилган (берилган) бошқа активларга, чунончи номоддий активларга, материалларга, тугалланмаган капитал қурилиш объектларига, ўрнатилмаган жиҳозларга ҳам даҳлдордир. Бунда фақат асосий воситалар ўрнини бошқа активлар (номоддий активлар, материаллар, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, ўрнатилмаган жиҳозлар) эгаллайди.

Воз кечилган кредиторлик қарзлардан даромадлар деганда олдинги хўжалик операциялари натижасида вужудга келган кредиторлик қарзлардан унинг эгасини корхона фойдасига тўлов мажбуриятини воз кечишдан олинган сумма тушунилади.

Жорий ижарадан олинган даромад деганда корхона мулкани вақтинчалик қисқа муддатларга (бир йилгача) ижарага беришдан олинадиган ижара тўловлари суммаси тушунилади. Бундай даромадлар суммаси тузилган шартномаларда кўрсатилади.

Ёрдамчи хўжаликлардан олинган даромадлар деганда корхонанинг ёрдамчи хўжаликлари (ферма, столовой, баня, сузиш хавзалари, сауна ва бошқа ёрдамчи бўлинмалари) томонидан олинган даромадлар тушунилади.

Беғараз олинган молиявий ёрдамдан олинган даромадлар деганда бошқа корхоналардан қайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган пул маблағлари тушунилади.

Инвентаризацияда аниқланган ортиқчалардан олинган даромадлар деганда инвентаризация чоғида аниқланган пул маблағлари ТМЗ, асосий воситалар ва бошқа активларнинг таннархидаги қиймати тушунилади.

Шундай қилиб, юқоридагилардан кўриниб турибдики, корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинадиган даромадлари ўта хилма-хилдир. Сотишдан олинадиган даромадлар асосий фаолиятни миқдор жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичлар сирасига киради. Уларнинг пул бирлигидаги миқдори олдиндан режалаштирилади, яъни бизнес режада кўрсатилади. Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар олдиндан режалаштириб бўлмайдиган кўрсаткичлар сирасига киради. Уларнинг пайдо бўлиши маълум бир заруратлар, ситуациялар сабабли юзага келади. Ҳам сотишдан олинган даромадлар, ҳам асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг реал ҳақиқий суммалари ҳисоб ва аудитда ўз аксини топади. Айнан шулар ҳисоб ва аудитнинг корхоналар фаолиятини бошқаришдаги ролини бекиёслигидан дарак беради.

1.2. Асосий фаолиятдан олинган даромадларни тан олиш ва баҳолаш мезонлар ва тамойиллари

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғри ва аниқ юритишда асосий фаолиятдан олинган даромадларни тан олиш мезонлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки даромадларни тан олишда айнан тан олиш мезонларига боғлиқ ҳолда бухгалтерия ёзувлари берилади.

Асосий хўжалик фаолиятдан олинadиган даромadларни ҳисоблаш чоғида даромad эътироф этилган пайтни аниқлаш асосий масала ҳисобланади. Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромad хўжалик юритувчи субъектга келгусида иқтисодий наф тушиши эҳтимоли бўлган пайтда, шунингдек бу нафни ишончли ва аниқ ўлчаш мумкин бўлган пайтда акс эътирилади¹¹.

Бухгалтерия ҳисобининг 2-сон “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромadлар” стандартига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий фаолиятдан олинган даромadлари уларнинг фаолият туридан келиб чиқган ҳолда тан олинади.

Товарларни сотишдан тушган тушум қуйидаги шартлар бажарилганда тан олинади:

а) Хўжалик юритувчи субъект товарларга эгалик қилишнинг хатарлари ва авзалликларининг анча қисмини харидорга топширганда;

б) Хўжалик юритувчи субъект одатда мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган даражадаги раҳбарлик давомийлигини ҳам, сотилган товарлар самадорлигини ҳам сақлаб қолмаганда;

с) Даромad миқдори ишончли даражада баҳоланганда;

д) Хўжалик юритувчи субъект битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиши эҳтимоли мавжуд бўлганда;

е) Битим билан боғлиқ қилинган ёки кутилаётган харажатлар ишончли даражада аниқланадиган бўлганда;

Хизмат кўрсатишни (ишларни бажаришни) ўз ичига оладиган битим натижаси аниқ белгиланадиган бўса, шу битим билан боғлиқ даромad йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади. Битим натижаси эса қуйидаги шартларни бажариш бўйича аниқ белгиланиши мумкин:

а) Даромad миқдори аниқ баҳоланиши мумкин;

¹¹2-сон БХМС “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромadлар”

б) Хўжалик юритувчи субъектга битим билан боғлиқ даромадларнинг тушиши эҳтимоли мавжуд;

с) Бухгалтерия баланси ҳисобот давригача битимнинг тугалланиши босқичи юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланади;

д) Битимнинг бажариш чоғида қилинган харажатлар ва битимни ниҳоясига етказишга доир харажатлар юксак ишончлилик даражаси билан баҳоланиши мумкин.

Битимнинг ниҳоясига етиши босқичига қараб даромадларнинг эътироф этилиши кўпинча битим неча фоиз бажарилиши нуқтаи назаридан қараб чиқилади. Бу усулга мувофиқ хизматлар кўрсатилган ҳисобот давридаги даромадлар эътироф этилади. Шу асосда даромадларнинг эътироф этилиши бажарилган ишлар ва ҳисобот даври давомида фаолият натижалари хусусида фойдали ахборот олишни таъминлайди.

Хизмат кўрсатишдан (ишларни бажаришдан) келадиган даромад шу операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий сама хўжалик юритувчи субъект ҳисобига келиши эҳтимоли мавжуд бўлгандагина тан олинади. Даромадга киритилган ва олинган миқдор хусусида ноаниқлик пайдо бўлган тақдирда қайтариб берилмаган миқдор ёки олиш мумкин бўлмай қолган миқдордаги даромад дастлаб эътироф этилган даромад миқдорини ўзгартириш сифатида эмас, балки харажат сифатида олинади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобини моҳияти бевосита бухгалтерия ҳисоби принципларига узвий боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрел куни қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг асосий 3 та принциплари белгиланган (4-расмга қаранг).

Узлуксизлик тамойили – бу хўжалик юритувчи субъектларда ҳар бир содир этилган оперицияларни узлуксиз равишда бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида акс эттирилиши лозимлигини билдиради.



4-расм. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари

Ишончилиx тамойили – бу ҳисоб маълумотларининг барча фойдаланувчилар учун аниқ, тушунурли ва ишончли бўлиши учун қатъий ҳужжатли асосга эга бўлишлигини билдиради.

Кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги тамойили - бу ҳисобот маълумотларини ўзаро мос ҳисобот даврлари бўйича (чорақлар, йил) мавжуд реал тенденцияларни аниқлаш учун ўзаро қиёслаш имкониятларини билдиради. Бундай қиёслашлар учун ўтган йиллар маълумотлари таққослама баҳоларда қайта ҳисобланиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисобининг юқорида келтирилган тамойиллари корхоналар фаолияти кўрсаткичлари, уларнинг мулки ва мулкни ташкил топтириш манбаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг барча тартиб-қоидаларини тўлиғича қамраб олмайди. Бизнингча, даромадларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобини юритишда юқоридаги тамойиллардан ташқари проф. К.Б. Уразов¹² томонидан эътироф этилган қуйидаги фундаментал, методологик ва ахборотлар сифатини ифодаловчи тамойиллар ҳам муҳим ўрин тутати:

Алоҳидалиx тамойили. Бу ҳўжалиx юритувчи субъектни мустақил фаолият юритувчи, ўз мажбуриятлари олдида жавоб берувчи бирлик эканлигини ифодалайди. Мустақил ҳўжалиx юритувчи субъект, бизнес бирлиги сифатида ҳар бир корхона ўзида бухгалтерия ҳисобини юритиши ҳамда уларни молиявий ҳисобот орқали тегишли фойдаланувчиларга тақдим этиши шарт.

¹² Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. – Самарқанд, 2014.

Қиймат тамойили. Бу тамойил даромадларни реал аниғлаш мақсадида корхона активлари ва пассивларини таннарх ёки бозор баҳоларида (улардан қайси бири паст бўлса, ўшанда) ҳисобга олишни билдиради.

Пулда ифодалаш тамойили. Бу тамойил даромадларни, улар билан боғлиқ барча актив ва пассивларни, юз берган операцияларни миллий валютада, яъни сум ва тийинларда акс эттиришни билдиради.

Ҳисоблаш тамойили. Бу тамойил корхонанинг даромадини юз берган вақтига кўра тан олиш ва шу вақтдан бошлаб уларни бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботда акс эттиришни билдиради. Солиқ Кодексига мувофиқ 1998 йил 1 январдан бошлаб барча корхоналар учун уларнинг мулк шаклидан қатъий назар сотиш моменти қилиб маҳсулот (иш, хизмат) ни жўнатиш (бажариш) санаси, улар учун тўлов пулини қачон келиб тушишидан қатъий назар, қабул қилинди.

Икки ёқлама ёзув тамойили. Бу тамойил корхонада юз берган ҳар қандай операциянинг суммасини бир вақтнинг ўзида иккита ҳисобда, яъни бирининг дебитида ва иккинчисининг кредитида акс эттиришни билдиради. Ушбу тамойилга амал қилиш корхонанинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятига доир даромадлари суммаларини доимо тенг бўлишини таъминлайди.

Ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мослиги тамойили. Бу тамойил ҳисобот даври харажатларига шу даврда реал даромад келтирган қисмини киритишни билдиради.

Мазмунни шаклдан устунлик тамойили. Бу тамойил корхонада маҳсулот, товар, иш ва хизматларни нақдсиз сотишда вужудга келган активлар ва пассивларни (дебиторлик ва кредиторлик қарзларни) уларга эгаллик қилиш ҳуқуқини берилиш вақтига кўра ҳисобга олиш ва балансга киритишни ифодалайди.

Эҳтиёткорлик ёки консерватизм тамойили. Бу тамойил корхона ҳисоботида даромадларни кам (кўп) қилиб кўрсатмасликни, шу билан бирга мажбуриятларни ёки харажатларни кўп (кам) қилиб кўрсатмасликни

ифодалайди. Ушбу тамойилни қўллаш яширилган резервларни вужудга келтириш, бирон мақсадда актив ёки фойдани камайтириб (кўпайтириб) кўрсатиш, харажат ва мажбуриятларни кўпайтириб (камайтириб) кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.

Нейтраллик тамойили. Бу тамойил моливий ҳисоботни биронта шахс манфаатлари учун бошқа биронта шахс зарарлари эвазига мослаштирмасликни билдиради.

Аҳамиятлилиқ тамойили. Бу тамойил ҳисобда шаклланган маълумотларни фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини кондиринишда аҳамиятлилигини билдиради.

Муҳимлилиқ тамойили. Бу тамойил ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини фойдаланувчиларнинг тақдим этилган ахборот асосида қабул қилган қарорларига таъсирини билдиради.

1.3. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби ва аудитининг мақсади ва вазифалари

Хўжалиқ юретишнинг ҳозирги тизими шароитида даромад кўрсаткичи корхонанинг асосий ва айланма маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ҳамда эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Тўла хўжалиқ ҳисобининг муҳим тамойили корхонанинг тўла мустақилликка эришуви ва харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплашдир. Бу дегани, корхона маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни унинг ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобининг мақсади ушбу даромад турлари бўйича ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларини ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Шу билан биргаликда, ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудитнинг мақсади қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз (5-чизма).


Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларни аудит текширувидан ўтказишда аудитнинг мақсади бўлади. Демак, ишлаб чиқарувчи корхоналарда асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудитининг мақсади бўлиб, авваламбор, уларни амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларга мувофиқ тўғри тан олинганлигига ишонч ҳосил қилиш, сўнгра даромадларни тўғри ва ўз вақтида, узлуксиз тегишли меъёрий ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлигини текшириш ҳамда корхонанинг мавжуд реал тенденцияларини аниқлаш учун барча ҳисобот маълумотларининг ўзаро мос ҳисобот давр маълумотлари билан мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилиш ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий фаолиятдан олинган даромадлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ (7-чизма):




5-расм. Корхона даромадлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари

Ушбу вазифалар бир бирига ўзаро боғлиқ ҳамда улар ишлаб чиқариш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритишда жуда муҳим аҳамият касб этади.



6-расм. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудитнинг мақсади

Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий фаолиятдан олинган даромадлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар ушбу турдаги корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари бўйича аудитнинг вазифалари бўлиб ҳисобланади (7-чизма):



7-расм. Корхона даромадлари бўйича аудитнинг вазифалари

Яъни ишлаб чиқариш корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари бўйича аудитнинг вазифаларидан бири бу энг аввало, корхона даромадларини қайси тамойилга мувофиқ тан олинишини билиш зарур бўлади, бу кўрсаткични эса аудитор мазкур корхонанинг Ҳисоб сиёсатидан билиб олиши мумкин. Сўнгра аудитор даромадларнинг тўғри гуруҳланганлиги ва тегишли бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттирилганлигини текшириши лозим. Бундан ташқари, аудитор даромадларни аудит қилиш жараёнида даромадларни молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлигини ҳамда даромадларнинг солиқларга муносабатини тўғри белгиланганлигини текшириши лозим ҳисобланади.

II -бoб. “SINO” АЖДА АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1.“SINO” АЖ фаолиятининг умумий тавсифи

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мақсади иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдир. Бу муаммони ҳал этишда аҳолининг турмуш даражасини оширишда маиший техника ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳолига сифатли маиший техникаларни етказиб берувчи ташкилотлардан бири “SINO” акционерлик жамиятидир.

“SINO” акциядорлик жамияти 2014 йил 22 июл куни Ўзбекистон Республикаси Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган. (илова №1)

“SINO” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитасининг (ҳозирда Давлат Рақобат Қўмитасининг) 1995 йил январдаги №24 к-ПО буйруғига асосан Самарқанд “SINO” совуткичлар заводи негизда ташкил этилган.

“SINO” акциядорлик жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ўзининг мустақил балансига, муҳрига, штампига, статистик кодларига ва Самарқанд ш. “Алоқабанк” ХАТБ Самарқанд филиали банкида асосий 20208000204814137001 сонли ҳисоб-китоб рақамига эга.

Ушбу АЖ тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий хўжалик фаолиятидан фойда олиш ҳисобланади. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- Музлаткичлар, совуткичлар, кондиционерлар ва бошқа маиший-электрон асбобларини ишлаб чиқариш ва улар билан чакана ва улгуржи савдони амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахсларга уларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича хизмат кўрсатиш;

- Бошқа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Ташишнинг барча турларини амалга ошириш: юк ва йўловчи, транспортнинг барча турларида экспорт ва импорт, транзит, шунингдек, хусусий ва ижарага олинган асосда халқаро ташишлар;
- Кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Электр жиҳоз ва асбобларни олиб келиш ва сотиш;
- Реклама ва эълонлар билан шуғулланиш;
- Полиэтилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан маън қилинмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

Жамият давлат корхонаси негизда ташкил қилинган бўлиб, устав фонди **754 010 400** сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати **200** сўм бўлган, **3 770 052** дона оддий акцияларга бўлинган (1-жадвалга қаранг).

1 - жадвал

	Жами (оддий) акциялар	Номинал қиймати	Устав фонди
	3 770 052	200 сўм	754 010 400

Манба: Корхона устави маълумотлари асосида ҳисобланди

“SINO” акционерлик жамияти 25% давлат улуши бўлган акциядорлик жамияти ҳисобланади.

Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш – акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин

Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларга кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори – номинал қиймати 200 (икки юз) сўм бўлган 40 00 00 (қирқ

миллион) дон оддий акциялардан иборат. Чиқариладиган эълон қилинган акциялар миқдори Жамият соф активлари қийматидан ошиб кетмаслиги лозим.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш - акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.


Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроя органи- директорлар, жамиятнинг бошқарув органлари ҳисоланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш жамият кузатув кенгаши тавсияси асосида акциядорларнинг умумий йиғилишида бир йил муддатга сайланадиган яккабошчилик асосидаги Ижроя органи – Директор томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланган. Тафтиш комиссиясининг таркиби 3 кишидан иборат.

“SINO” АЖ да бухгалтерия ишлари «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот» деб аталадиган алоҳида бўлинма томонидан амалга оширилади. Бухгалтерия бўлимида жами 5 нафар бухгалтер фаолият олиб боради. Бухгалтерлар ўртасида вазифалар қуйидагича тақсимланган (8-расм).



8 –расм. “SINO” АЖнинг бухгалтерия бўлимида вазифаларнинг тақсимооти

“SINO” АЖ ўзининг ҳисоб сиёсатига эга, у ишимизнинг 1-иловасида келтирилган. Мазкур АЖ корпоратив бошқарув тизими жорий этилган, мажбурий ташқи аудитдан ўтувчи ҳамда ички аудит хизматига эга субъект ҳисобланади. Шунингдек, АЖ охириги 2 йилда ўз молиявий ҳисоботини халқаро стандартлар асосидаги ҳисобот шаклларига трансформация қилмоқда, уларни халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувидан ўтказмоқда, шунингдек акциядорлар йиғилиши олдида уларни ўз вейб-сайтига жойлаштириб келмоқда.

“SINO” АЖ узоқ йиллардан бери маиший-техника буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ҳозирги кунда “SINO” АЖда 20 турдаги муҳсулот ишлаб чиқарилмоқда (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

“Sino” АЖда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури

№	Маҳсулот номи	Нархи
1	Кондиционер 12	1 800 000 сўм
2	Кондиционер KFR 70	2 100 000 сўм
3	Морозильник Сино-111	1 650 000 сўм
4	ПЖК Mobilaive	2 400 000 сўм
5	Полка пластмассовый	2 300 000 сўм
6	Холодильная Камера Сино 7	2 800 000 сўм
7	Холодильник	1 980 000 сўм
8	Холодильник "LG GN-V262SC"	1 070 000 сўм

9	Холодильник BCDS 250	950 000 сўм
10	Холодильник СИНО 210	2 225 000 сўм
11	Холодильник СИНО 211	1 900 000 сўм
12	Холодильник СИНО 308	2 600 000 сўм
13	Холодильник Сино 313	2 400 000 сўм
14	Холодильник Сино 503 Тетра	2 300 000 сўм
15	Холодильник Сино 514	2 800 000 сўм
16	Холодильник СИНО 515	1 980 000 сўм
17	Холодильник СИНО 517	1 070 000 сўм
18	Холодильник Сино 517-А	2 300 000 сўм
19	Холодильник Сино 518	2 800 000 сўм
20	Холодильник Сино 526	1 650 000 сўм

“SINO” АЖда 2015 йилда 6004 та, 2016 йилда 6324 та, 2017 йилда 10183 та музлатгичлар сотилган. Уларнинг харидорлар кесимидаги тафсилоти 1 Б-илова келтирилган.

2.2.“SINO” АЖда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар ҳисоби

Ишлаб чиқариш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритишда даромадлар ва харажатларни счетларда тўғри ва аниқ акс эттириш жуда катта аҳамият касб этади. Яъни ҳар бир счетнинг кирими ва чиқимини амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ юритиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот давомида биз шуни гувоҳи бўлдикки, “SINO” АЖнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромадлар ҳисоби 21-сон БҲМСга мувофиқ қуйидаги счётларда ҳисобга олинган :

- 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар”
- 9020 “Товарларни сотишдан олинган даромадлар”
- 9050 “ Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”

“SINO” акционерлик жамияти ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотини, яъни музлаткич ва совуткичларни сотишдан олган даромадларини ҳисобга олишда 9010 счетдан фойдаланган. Счётнинг кредитида олинган даромад йил

мабойнида тўпланиб бориб, бунда маҳсулотни сотиш усулига қараб турли счётлар дебетланган ҳамда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилган:

1. Маҳсулот нақдсиз сотилганда (2,3,4-иловаларга қаранг).

Д-т 4010 К-т 9010 11 102 795 573,60 сўм

2. Махсус ажратилган бўлинмаларга сотилганда (3-иловага қаранг).

Д-т 4110 К-т 9010 163 756 000 сўм

3. Иш ҳақи ҳисобидан берилганда (3-иловага қаранг).

Д-т 6710 К-т 9010 146 883 771,98 сўм сўм

4. Кредиторлик қарзни қоплаш учун берилганда

Д-т 6990 К-т 9010 6 120 000 сўм

Йил мабойнида 9010 счёти фақат кредит сальдосига эга бўлиб ва бу сальдо йил бошидан бошлаб олинган даромад суммасини кўрсатган. Йил якунида ушбу счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счётининг кредитига ёзилган ва шу асосда у ёпилган. Яъни

Д-т 9010 К-т 9900 11 102 795 573,60 сўм (4-иловага қаранг).

21-сон БҲМСга мувофиқ сотишдан олинган даромадлар бошқа ёзувлар билан расмийлаштирилиши мумкин. Уларнинг айримлари 3-жадвалда келтирилган.

Бухгалтерия ҳисобининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ корхонада ишчи ходимларга меҳнат ҳақини таёр маҳсулот кўринишида бериш ман этилган. Аммо ушбу корхонанинг ҳозирги кунда молиявий аҳволи мустаҳкам бўлмаганлиги ҳамда ишлаб чиқараётган маҳсулотига бозорда талаб кучли эмаслиги туфайли ўз ходимларига ўзи ишлаб чиқарган музлаткичларни иш ҳақи сифатида бериб келади.

Сотишдан олинган даромадларнинг счётларда акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит	Асос
1	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларнинг сотилиши, сотиш қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	4010, 4100, 5010	9010, 9020, 9030	Счет-фактура, кирим касса ордери
2	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар мажбуриятларни коплаш учун берилганда, келишув қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	6010, 6100, 6900, 7010, 7100, 7900	9010, 9020, 9030	Счет-фактура
3	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар иш ҳақи ўрнига берилганда, келишув қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	6710	9010, 9020, 9030	Тўлов қайдномаси
4	Тайёр маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар таъсис бадали сифатида киритилганда, келишув қиймати (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	0600	9010, 9020, 9030	Таъсис шартномаси, счёт-фактура
5	Сотилган товарларнинг қайтарилиши	9040	4010, 4100, 6990, 5110	Счет-фактура
6	Ҳисобот даврининг охирида 9040 «Сотилган товарларнинг қайтарилиши» счётининг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9040	маълумотном а
7	Сотиш ва нархдан чегирмалар бериш	9050	4010, 4100, 6990, 5110	Счёти-фактура
8	Ҳисобот даврининг охирида 9050 «Берилган чегирмалар» счётининг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9050	маълумотном а
9	Ҳисобот давр охирида сотишдан олинган даромад счётларининг ёпилиши	9010, 9020, 9030	9910	маълумотном а

“SINO” АЖДа маҳсулотлар ва товарларни сотишда харидорлар ва буюртмачиларга тузилган шартнома шартларига кўра турли миқдорда чегирмалар ҳам берилган. Бундай чегирмалар суммаси махсус контрпассив бўлган 9050 “ Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счётининг дебетида акс эттирилган, бунда мос равишда

1. Маҳсулот нақдсиз сотилганда

Д-т 9050 К-т 4010 15 000 000

2. Махсус ажратилган бўлинмаларга сотилганда

Д-т 9050 К-т 4110 10 000 000

3. Шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари орқали

Д-т 9050 К-т 4120 21 000 000

9050 счётининг дебетида тўпланган сумма мос равишда 9010 ва 9020 счётларининг дебетида ўтказилган ва шу асосда ушбу сёт ёпилган.

Хусусан, тадқиот натижасида шуни билдикки, “SINO” АЖда доимий харидорлар учун 3 турдаги музлаткичларга 7-10% лик чегирмалар қўйилган.

Республикамизада қўплаб олимлар ишлаб чиқариш корхоналарида бериладиган чегирмалар тўғрисида қўплаб фикрлар билдиришган. И.ф.д профессор К.Б.Уразов “Махсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишда берилган чегирмалар суммаси сотишдан олинган даромадлар суммасини камайтиради” деб таъриф берган.

Шунингдек, биз тадқиот жараёнида жамиятда 2015-2017 йилларда жами сотилган тайёр махсулотлар тўғрисида қуйидаги маълумотга эга бўлдик (4-жадвал).

4-жадвал


“SINO” АЖда сотилган махсулотлар тўғрисида маълумот (сўм)

№	Махсулот тури	2015		2016		2017	
		Сони	Суммаси	Сони	Суммаси	Сони	Суммаси
1	Кондиционер 12	532	1301400000	509	1 244 900 000	923	2272400000
2	Кондиционер KFR 70	9	66500000	9	66 500 000	10	69000000
3	Морозильник Сино-111	171	106011656	135	102 928 328	128	132895000
4	ПЖК Mobilaive	4	626907120	2	313 453 560	0	0
5	Полка пластмассовый	12	144000	12	144 000	0	0
6	Холодильная Камера Сино 7	7	58300000	12	58 300 000	8	68600000
7	Холодильник	9	3800000	59	33 800 000	108	63200000
8	Холодильник "LG GN-V262SC"	2	1960000	7	1 960 000	4	3920000
9	Холодильник BCDS 250	659	1159258500	610	1 070 789 600	992	1757949601
10	Холодильник СИНО 210	172	393445000	174	398 045 000	335	769705000
11	Холодильник СИНО 211	721	1984886109	743	2 028 966 930	1425	3953796376

12	Холодильник СИНО 308	2891	4519423000	3 049	4 721 233 963	4747	7361773963
13	Холодильник Сино 313	2	2100000	1	1 050 000	0	0
14	Холодильник Сино 503 Тетра	81	185310000	84	191 620 000	147	335970000
15	Холодильник Сино 514	641	688341000	699	723 780 191	1013	1049240191
16	Холодильник СИНО 515	145	155150000	155	165 400 000	266	283720000
17	Холодильник СИНО 517	51	102000000	53	105 960 000	55	109920000
18	Холодильник Сино 517-А	16	33720000	17	36 720 000,00	18	36660000
19	Холодильник Сино 518	20	2400000	2	2 400 000,00	2	2400000
20	Холодильник Сино 526	1	2000000	1	2 000 000	1	2000000

1-диаграмма

Маҳсулот(иш, хизматлар)ни сотишдан олинган даромадлар (минг сўм)



Ушбу диаграммадан кўриниб турибдики “SINO” АЖнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олган даромадида 2014, 2015, 2016 ва 2017 йилларда сезиларли даражада фарқлар борлиги кўзга ташланади. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда 9 531 770 сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 2015 йилга қараганда 5 135 498 минг сўмга ошган, 2017 йилда эса 2015 йилга қараганда 7 035 200 минг сўмга ошганини кўриш мумкин.

2.3 “SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларнинг ҳисоби

Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадлардан ташқари асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар ўзининг турли бошқа активларини, масалан материалларини, хўжалик инвентарларини, номоддий активлари ва бошқа активларини сотишдан ва бошқа чиқимларидан олган фойдасини ҳисобга олишда 9300 “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счетлар” счётадан фойдаланилади (5- жадвал).

5-жадвал

21-сон БҲМСга мувофиқ асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

Счёт№	Счётларнинг номи	Счёт тури
9300	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9310	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	Т
9320	Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда	Т
9330	Ундирилган жарима, пеня ва устамалар	Т
9340	Ўтган йиллар фойдаси	Т
9350	Қисқа муддатли ижарадан даромадлар	Т
9360	Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	Т
9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари	Т
9380	Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	Т
9390	Бошқа операцион даромадлар	Т

Тадқиқот жараёнида “SINO” АЖнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўрганилганда, ушбу корхонада асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олишда 9300 “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счетлар” счётидан фойдаланган. Счётнинг кредитида олинган фойда йил мабойнида тўпланиб бориб, ушбу фойда бошқа активларнинг сотиш (бериш) қийматидан уларнинг таннариhini (қолдиқ қийматини) ва сотишдан олинган ҚҚС суммасини айиргандан қолган суммадан иборат бўлган.

Масалан, корхонада сентябр ойида таннархи 50 000 сўмлик материал 72 000 сўмга сотилган. Сотишдан олинган ҚҚС суммаси ушбу ҳолда 12000 сумни ($72000 * 20/120$), сотишдан олинган фойда суммаси эса – 10 000 сумни ($72000 - 50000 - 12000$) ташкил қилган.


Корхонанинг бошқа активларни чиқимидан олинган фойда суммаси дебет 9220 “Бошқа активларнинг чиқими” счетда ва кредит 9320 “Бошқа активларни чиқимидан олинган фойда”счётида акс эттирилган. Йил якунида 9320- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счётининг кредитига ёзилиб ва шу асосда у ёпилган.

Шунингдек, биз тадқиқот жараёнида жамиятнинг 2014, 2015, 2016 ва 2017 йиллардаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини ўрганиб қуйидаги маълумотларга эга бўлдик (2-диаграмма).

Бунда “Sino” АЖнинг ушбу йиллар давомида асосий фаолиятининг бошқа даромдлари сезиларли аражада ўзгарган. Жумладан, 2014 йилда корхонанинг асосий фаолиятининг бошқа даромадлари 258 630 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 706465 минг сўмни ташкил этган. 2017 йилда эса корхона ҳеч қандай асосий фаолиятнинг бошқа даромадларига эга бўлмаган (3,4-иловаларга қаранг).

2-диаграмма

2014-2017 йилларда корхонанинг асосий фаолиятининг бошқа даромадлари (минг сўм)



Шунингдек, “Sino” АЖДа асосий фаолиятнинг бошқа даромадларига оид юз берган операциялари бухгалтерия ҳисобининг 21 сон миллий стандартига мувофий юритилган ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобларида тўғри акс эттирилган (6-жадвал).

6- жадвал

Асосий фаолият бошқа даромадларининг ҳисобларида акс эттирилиши

№	Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит	Асос бўлувчи ҳужжат
1	Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимларидан олинган фойда	9210	9310	Ҳисоб-китоб
2	Бошқа активларнинг сотилиши ва бошқа чиқимларидан олинган фойда	9220	9320	Ҳисоб-китоб
3	Ҳисобланган пеня ва жарималар	4860, 5010, 5110, 5210, 6710	9330	Суд қароридан қўчирма, қирим касса ордерлари ва банк қўчирмалари
4	Ҳисобот даврида аниқланган ўтган йилларнинг фойдалари	4000, 4730, 4890, 5010, 5110, 5210, 6410	9340	Солиштириш далолатномалари, қарор
5	Қисқа муддатли ижарадан даромадлар	4820	9350	Шартнома, ҳисоб-фактура
6	Кредиторлик қарзларнинг воз кечилишидан даромадлар	6010, 6110, 6310, 6710, 6900	9360	Суд қарори, ҳисоб-китоб
7	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинган даромадлар	4010, 4890, 5010, 5110	9370	Счёт-фактуралар, қирим касса ордерлари
8	Олинган молиявий ёрдам	5010, 5110, 5210	9380	Шартнома, счёт-фактура, далолатнома
9	Инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар	0100, 0400, 0600, 1000, 2800, 2900, 5010	9390	Инвентаризация далолатномалари
10	Ҳисобот давр охирида асосий фаолият бошқа даромадлари ҳисобларининг ёпилиши	9300	9910	Бухгалтерия маълумотномаси

2.4.“SINO” АЖДа асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш йўллари

Ишлаб чиқариш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ва ҳисобни юритиш сифатини ривожлантириш ҳар бир корхона ташкилотнинг вазифаси ҳисобланади.

Корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятини идора этиш мақсадида маълумотларни олиш, уларни гуруҳлаб, бошқарувни ушбу кўрсаткичлар билан таъминлаш, келажакда корхона ташкилотлар фаолиятига баҳо бериш

учун, ҳисоб-китоб ҳужжатларида акс эттириш йўли билан ўз фаолиятини ривожлантириб борадилар.

Мамлакатимиз ва хориж давлатлари бухгалтерия ҳисоби бўйича иқтисодчи олимлар ўз ишларида бухгалтерия ҳисоби моҳияти бўйича ҳар хил талқинлар берадилар. Масалан, М.Умарова, Ў.Эшбоев ва К.Ахмаджонов фикрлари бўйича: “Бухгалтерия ҳисоби бу кундалик ва умумий маълумот олиш мақсадида айрим корхона, акциядорлик жамияти, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг ҳўжалик фаолиятини узлуксиз равишда кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборат”. Бизнинг фикримизча, бу бухгалтерия ҳисоби моҳияти ва мақсадини тўлиқ ёритмайди, чунки турли фойдаланувчиларни тўлиқ маълумот билан таъминлаш мақсадида ҳисоб барча корхоналарда олиб борилиши лозим.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқарув самарадорлигини ошириш, молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда даромадларини ошириш улар ҳўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни сон жиҳатдан тавсифлаш, бу кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайд этиш ва умумлаштириш ҳамда ҳужжатларда расмийлаштиришни тақозо этади. Бундай масалаларни ишлаб чиқариш корхоналарда буювсита бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш орқали муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш ушбу корхоналарда ҳисоб-китоб ишларини енгиллаштириш хизмат қилади.

“Sino” АЖда бухгалтерия ҳисобининг, айниқса, асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш уни такомиллаштиришдаги мавжуд муаммоларни қуйидагиларга ажратиш имконини беради:

- Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобининг концептуал асосларини ривожлантиришга доир муаммолар;
- Асосий фаолиятнинг даромадларини назарий ва амалий муаммолари;

- Бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир муаммолар;

Битирув малакавий ишига алоқадор барча ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобининг концептуал асосларини такомиллаштиришга доир муаммолар уларда дастлаб оқилона *ҳисоб сиёсатини ташкил этиш, товар (иш, хизмат)ларни сотиш баҳосини шакллантириш, соҳа хусусиятларига асосланган ҳолда молиявий, статистик, солиқлар ва бошқа ҳисобот шакллари*ни тузиш услубини *такомиллаштириш* каби масалаларга боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳисоб тизимини стратегик ривожлантириш борасидаги таъкидланган бошқа муаммоларни ҳал қилиш уларда асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобининг концептуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

“Sino” АЖДа асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари ишлаб чиқарилган таёр маҳсулотлар, товар (иш, хизмат)лар сотиш билан боғлиқ операцияни дастлабки ҳужжатларда расмийлаштириш, уларни счетларда акс эттириш тартиби ҳамда корхонада ҳисоб регистрлари шакллариини мукаммаллаштириш кабилардан иборат. Корхонанинг ҳисоб регистрларини ўрганиш жараёнида уларнинг барча бошланғич ҳужжатлари синчиклаб ўрганилди. Натижада уларнинг расмийлаштириш тартиби, счетларда расмийлаштириш тартибида маълум камчиликлар борлиги аниқланди. Шунингдек, корхонанинг молиявий ҳисоботларини ҳам ўрганиш жараёнида уларда акс эттирилган ҳисоб маълумотлари бошланғич ҳужжатларда йўқлиги аниқланган.

Тадқиқотлар кўрсатишича, мазкур хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ҳам айрим муаммоли жиҳатлар мувжуд. Жумладан, айти пайтда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар тамойилларига мувофиқлаштириш ишлаб чиқариш корхоналарида, хусусан, “Sino” акционерлик жамиятида молиявий ҳисобот шакллари ахборот ҳажмини ошириш, инвентаризация текшируви натижасида

аниқланган товарлар камомадини тўғри расмийлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини оқилона ташкил этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушба муаммони ечимини топишда қуйидагиларга асосланиш мақсадга мувофиқдир:

- Корхонада назарий-амалий жиҳатдан асосланган ҳисоб сиёсатини шакллантириш;

- Корхонада ҳисоб тизимини жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда молиявий ва бошқарув ҳисобига ажратиш ҳамда уларни юритиш тартибини белгилаб олиш;

- Корхонада бухгалтерия ҳисобини юритишда бошланғич ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштиришга кучли эътибор қаратиш зарур.

- Корхонада бухгалтерия ҳисобини юритишда замонавий сўнги электрон дастурлардан фойдаланиш зарур.


Ишлаб чиқариш корхоналарда ҳисоб сиёсатини оқилона ташкил этиш корхонада бухгалтерия ҳисобини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Хўжадик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва умумий қоидалар корхоналарнинг мулкчилик шакли ҳамда фаолият кўринишидан қатъий назар барча учун бир хилда амал қилади. Ҳисоб сиёсатида ушбу қонунлар ва умумий қоидалардан келиб чиққан ҳолда, корхона учун мақбул ёўналиш танланади. Бу ёўналиш корхонанинг ҳуқуқий шакли, тармоқ хусусияти, фаолиятининг тавсифи, ходимларнинг малакаси ва бошқа ўзига хос жиҳатларни ифодаловчи ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 1 сонли “Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли миллий стандартида корхона ҳисоб сиёсатини йўлга қўйишнинг умумий қоидалари, мақсади, фаолият соҳаси аниқ очиб берилган, лекин унинг молиявий ҳисобот тузишга сезиларли таъсири ёритилмаган. Бу стандартнинг 51 бандида “...хўжалик

юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни таёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос тамойиллар, конвенциялар, қоида ва амалий ёндашувларни ифодалайди” дейилади. Мазкур таъриф юқорида келтирилган таърифга тўлиқ мос келмайди, чунки унда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш усуллари ҳақида сўз боради.

Амалиётда ҳисоб сиёсатини давлат ва алоҳида корхона миқёсида ташкил этиш кўринишлари мавжуд. Ҳисоб сиёсатини қуйидаги таркиб бўйича юритиш мақсадга мувофиқ (9-расм):

- Умумдавлат миқёсида (1-даража);
- Тармоқ яъни иқтисодиётнинг айрим соҳалари миқёсида (2, 3 ва 4-даражалар);
- Алоҳида олинган корхона миқёсида (5-даража).



9-расм. Ҳисоб сиёсатининг таркибий даражалари

Ишлаб чиқариш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришда улар томонидан мустақил қабул қилинган ҳужжатлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Буларга буйруқлар, қарорлар, фармойишлар ва бошқа

ички тартибни белгиловчи ҳужжатларни киритиш мумкин. Таъкидлаганимиздек, бундай ҳужжатлар асосан бошқарув ҳисоби ҳуқуқиятларини ифодалайди ва корхона бошқарувининг талабларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ички тартиб қоидаларни ифодаловчи бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш, буйруқ ва фармойишларни чиқаришда аниқликка риоя қилиш зарур.

Бизнинг тадқиқот объектимиз бўлган “Sino” акционерлик жамиятида бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришда қабул қилинган миллий стандартлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Бироқ, қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда асосан ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянилган, холос. Уларда ифода этилган концептуал асослар республикамиз иқтисодиётида ҳали тўла синовдан ўтмаган.

Мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг қабул қилиниши ишлаб чиқариш корхоналарида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб юритиш тартибини такомиллаштиришни тақазо этмоқда. Жумладан, 21-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлари режаси”ни амалиётга жорий этишнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Ушбу камчиликлардан бири мазкур стандарт асосида янги счетлар режасини тармоқ ва тармоқлараро миқёсга мўлжалланган тизимини ишлаб чиқишдир.

Бизнинг назаримизда, чет эл ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати бизга тўлиқ мос келмаслиги мумкин лекин биз улардан ўзимизга кераклисини олсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро ҳисоб амалиётида бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги учта иқтисодий модели мавжуд:

- Британ-америка модели;
- Континентал модел;
- Жанубий америка модели.

Британ-америка моделининг асосий мақсади бухгалтерия ҳисобини инвестор ва кредиторларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ҳисобланади. Бу модел АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада мамлакатларида қўлланилади.

Континентал модел Еуропа ва Япония каби континентал мамлакатлар саноатининг ривожланишига асос қилиб олинган. Бу моделнинг мақсади ҳукумат талабларини қондириш, шунингдек солиқ ҳисобига оид масалаларни амалга оширишдан иборат. Ундан Франция, Германия, Швецария, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Австрия, Белгия, Греция, Дания ва Миср каби мамлакатлар ҳисоб амалиятида фойдаланилади.

Учинчи модел Жанубий Америка мамлакатларида ҳисоб юритиш қоидаларини белгилаб бериш учун асос вазифасини бажаради. Унинг асосий моҳияти солиқ сиёсатини оқилона амалга оширишга кўмаклашиш ва бухгалтерия ҳисоботини режалаштириш ишларини ташкил қилишдан иборат. Мазкур модел Аргентина, Бразилия, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили каби мамлакатлар ҳисоб амалиётида қўлланилади.

III –бoб. КОРХОНАЛАР АСОСИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР АУДИТИ

3.1.Асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудитининг ташкилий таъминоти

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтиши тадбиркорликнинг ривожланиши, ташкилот ва корхоналарнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари вужудга келиши ва мулкчиликнинг турли шакллари мавжудлиги молиявий назорат механизмига тубдан таъсир кўрсатади.


Албатта мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда корхоналарнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари вужудга келди, ишлаб чиқариш корхоналарнинг янги кўринишлари пайдо бўлди. Бу ўз навбатида янги ташкил этилган корхоналарда аудитни ташкил этишни талаб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг айрим ишлаб чиқариш корхоналари акционерлик жамиятларига айлантирилган ва уларнинг низом жамғармасида давлат улуши салмоқли ҳиссага эга. Мажбурий аудиторлик текширувларидан ташқари корхона, ташкилот ва фирмалар ўзларининг ташаббуслари билан аудиторлик ташкилотлари хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Бундан кўзланган мақсад бизнес ва бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишини ўзига хос экспертизадан ўтказиш ҳамда солиқ тўловларини энг мувофиқ ҳолда келтириш ва ҳисобда мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишдир.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизими шароитида даромад кўрсаткичи корхонанинг асосий ва айланма маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ҳамда эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Хўжалик ҳисобининг муҳим тамойили корхонанинг тўла мустақилликка эришуви ва харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплашдир. Бу дегани,

корхона маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни унинг ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Корхона даромадлари бўйича аудитнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар бўлмоғи лозим ҳисобланади (10-чизма):



10-расм. Корхона даромадлари бўйича аудитнинг вазифалари

Бухгалтерия ҳисоби принципларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудитнинг мақсади қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Даромадларни тўғри ва ўз вақтида, узлуксиз тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисобга олинганлигини текшириш;
- Барча ҳисоб маълумотларининг фойдаланувчилар учун аниқ, тушунарли ва ишончли бўлиши учун қатъий ҳужжатли асосга эга эканлигини текшириш;
- Корхонанинг мавжуд реал тенденцияларини аниқлаш учун барча ҳисобот маълумотларининг ўзаро мос ҳисобот давр маълумотлари билан қиёслаш имконияти мавжудлигини текшириш;

Аудитор бирор бир корхонани аудит текширувидан ўтказишдан аввал у аудиторлик текшируви ўтказишнинг асосий манбаларини мукамал билиши шарт ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви ўтказишнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (7-жадвалга қаранг):

7-жадвал

Аудитнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

№	Меъёрий ҳужжатлар
1	Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 августда қабул қилинган.
2	Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда). 2000 йил 26 майда қабул қилинган.
3	21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш ҳақида йўриқнома» номли БҲМС. 2002 йил 9 сентябрда 103-сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган
4	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом».
5	Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича концептуал асос.
6	1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли БҲМС.
7	3-сон «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» номли БҲМС.
8	3-сон «Аудитни режалаштириш» номли АФМС
9	10-сон «Молиявий ҳисоботдаги бошқа маълумотлар» номли АФМС
10	70-сон «Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси» номли АФМС.
11	«Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Қолаверса, корхона даромадларини аудиторлик текширувдан ўтказишда фойдаланиладиган манбалар бухгалтерлик ҳисобнинг корхонада қабул қилинган ташкилий шаклига ҳам боғлиқ. Булар ҳисобни қўлда юритиш шароитида счет-фактуралар, ведомостлар, автоматлаштирилган ҳисоб шароитида эса компьютер дастурлари, машинаграммларидир.

Бироқ, ҳисобнинг ҳар қандай шакли шароитида ҳам даромадларга оид муомалалар меъёрий ҳужжатлар ва дастлабки ҳужжатлаштиришнинг унификацияланган идоралараро шакллари билан расмийлаштирилиши лозим. Улар қаторига қуйидагилар киради:

- * Корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи;
- * Асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олишда корхонада қўлланиладиган аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари;
- * Бухгалтерия ҳисоботлари;

Аудитор ушбу меъёрий ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва дастлабки ҳужжатларда асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳаракатини расмийлаштириш учун жавобгар шахслар имзоларининг мавжудлиги ва ҳаққонийлигига эътибор қаратиб, барча реквизитларнинг тўғри тўлғазилганлигини аниқлайди.

3.2. “SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган даромадларининг аудити

Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан олинган даромадларни аудиторлик текширувидан ўтказиш корхона фаолияти умумий аудитининг бир қисми ҳисобланади. Унинг мақсади корхонанинг асосий фаолиятдан олинган даромадларининг ишончлилиги тўғрисида фикр шакллантириш ва корхонада асосий фаолиятдан олинган даромадлар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларни аудит текширувидан ўтказишнинг ўзига хос босқчилари мавжуд. Аудитни ташкил этишни шартли равишда қуйидаги тўртта босқичга бўлиш мумкин (8-жадвалга қаранг):

Аудитни ташкил қилиш босқичлари

Боскич	Боскичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1- боскич	Аудитни бошлашга қадар бўлган боскич. Ушбу боскичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: • аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади; • аудит ўтказувчи субъектга аудит ўтказишига аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг ҳисоб ва ҳисоботининг дастлабки ҳолати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш ҳажми, аудиторлик ҳатарининг даражаси белгиланади; • аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиши мажбуриятини олиши тўғрисида розилик хати тайёрланади, ушбу ҳатда аудит ўтказиши бўйича шартлар, жумладан аудиторлик ҳатари даражаси, кўрсатилади; • аудит ўтказиши бўйича шартлар ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтказиши тўғрисида шартнома тузилади; • аудитнинг дастури тузилади ва уни ўтказиши графиги белгиланади. • Аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро тақсимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.
2- боскич	Аудиторлик текширувини ўтказиш боскичи. Ушбу боскичда тасдиқланган дастурга мувофиқ аудит объектлари танланган усулларда текширишдан ўтказилади
3-боскич	Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш боскичи. Ушбу боскичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) ҳар бир объект бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4-боскич	Аудиторлик текшируви натижаларини тадбик этиш боскичи. Ушбу боскичда аудиторлик текшируви натижалари муҳокама этилади, аниқланган четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган ҳисобот бўйича аудиторлик ҳулосаси берилади.

Аудит жараёнида иқтисодиётимизга хос бўлган халқаро амалиётда кенг фойдаланиладиган усуллар қўлланилади. Аудитор аудит усуллари мустақил равишда белгилайди ва қўллайди. Ушбу усуллар таркиби аудитнинг предмети, мақсади ва вазифаларига бевосита боғлиқдир. Профессор Мусаев Ҳ.Н.нинг “Аудит” дарслигида ушбу усулларнинг қуйидаги турлари келтирилган¹³:

¹³ Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. –Т.: «Молия», 2003, 18-19-бетлар.



11 – расм. Аудит усуллари

Аудитор текшириш жараёнида меъёрлаштириш, баҳолаш, гуруҳлаш усулларида ҳам фойдаланилади. Аудит усуллари ҳар бир ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг оқибатлари, ҳўжалик жараёнларининг қонунқоидаларга мувофиқлигини аниқлашга ёрдам бериши керак. Аудиторлик фаолиятининг ривожланиши туфайли унинг услуби, унда қўлланиладиган усуллар ҳам такомиллашиб бораверади. Кейинги пайтларда махсус адабиётларда аудитнинг қуйидаги усуллари катта эътибор берилмоқда: ходимлар билан оғзаки сўровлар ўтказиш, текширилаётган корхона бўйича муқобил баланс тузиш, аудит объектлари бўйича тестлар анкеталар ўтказиш, компьютер ахборотлари технологияларидан кенг фойдаланиш каби усуллар. Шунинг ҳам қайд қилиш керакки, аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) аудит жараёнида қабул қилинган умумий (анъанавий) усуллардан фойдаланиш билан бир қаторда улар ўзларига маъқул бўлган ёки бошқалар учун “тижорат сири” ҳисобланган ноанъанавий (локал) усуллардан ҳам

фойдаланишлари мумкин. Аудит ўтказишда миллий ва халқаро аудит стандартларига асосланади.

“SINO” АЖнинг уставида давлат улуши борлиги сабабли ҳар йили мажбурий аудит текширувидан ўтказилади. Бунда аудит ўтказиш тартибига асосан режа қилиниб аудит ўтказилиб борилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий фаолиятдан олинган даромадларини аудит қилишга розилик билидириш ва шартнома тузишдан олдин аудитнинг дастлабки режаси тузилади. Шартнома икки томонлама тасдиқлангандан сўнг аудиторлик ташкилоти “Аудитни ўтказиш режаси” ва “Аудитни ўтказиш дастури”ни тузади. Ушбу дастурда аудитда қўлланиладиган аниқ усуллар, текшириш муддатлари, аудит натижаларини расмийлаштириш тартиби ифодаланган бўлади.

Аудитни режалаштириш 3-сон АФМС “Аудитни режалаштиришга асосан амалга оширилади. “SINO” АЖда 2017 йил асосий фаолитдан олинган даромадлари аудитини ўтказиш бўйича қуйидагича аудит режаси ва дастурини тузиш тавсия қилинади (9-жадвал):

**“SINO” акционерлик жамияти асосий фаолиятдан олинган даромадлар
аудити режаси**

Текширилаётган ташкилот: “SINO” АЖ

Аудит даври: 10 кун

Киши/соат сони: 80

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Хасанов А.

Аудиторлик гуруҳи таркиби: Усманов М.

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари даражаси: 5%

Режалаштирилаётган аудиторлик исботи даражаси: 95%

№	Режалаштирилаётган иш турлари	Ўтказиш даври	Бажарувчи	Изоҳлар
1	Хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсаи билан танишиш	1 кун	Хасанов А	
2	Таушкilotнинг даромад турлари билан яқиндан танишиш	1кун	Хасанов А	
3	Асосий фаолиятдан олинган даромад турлари билан танишиш ва уларни текшириш;	4 кун	Усманов М.	
4	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад турлари билан танишиш ва уларни текшириш;	3 кун	Усманов М.	
5	Аудиторлик натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	1 кун	Усманов М.	

Аудиторлик ташкилоти раҳбари: Хасанов А.

_____ (imzo) _____

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Усманов М.

_____ (imzo) _____

Тузилган аудиторлик режаси асосида аудиторлик дастури тузилади. Ушбу дастур 10-жадвалда келтирилган. Аудиторлик дастурида аудиторнинг иш хужжатлари ҳамда аудит жараёнида қўлланиладиган текшириш усуллари ифодаланади.

**“SINO” акционерлик жамияти асосий фаолиятдан олинган даромадлар
аудити**

ДАСТУРИ

Текширилаётган ташкилот: “SINO” АЖ

Аудит даври: 10 кун

Киши/соат сони: 80

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Хасанов А.

Аудиторлик гуруҳи таркиби: Усманов М.

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари даражаси: 5%

Режалаштирилаётган аудиторлик исботи даражаси: 95%

№	Аудит бўлимлари № бўйича аудиторлик тадбирлари рўйхати	Ўткази ш даври	Бажарув чилар	Аудиторнинг ишчи хужжатлари	Тукшири ш усуллари
1	2	3	4	5	6
1	Хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсаи билан танишиш	2 кун	Хасанов А	Корхонанинг ҳисоб сиёсати	Тўлиқ
2	Ташкилотнинг даромад турлари билан яқиндан танишиш	2 кун	Хасанов А	Корхонанинг устави	Тўлиқ
3	Асосий фаолиятдан олинган даромад турлари билан танишиш ва уларни текшириш;	3 кун	Усманов М.	Молиявий ҳисобитнинг 1-шакли, журнал ордерлар, ҳисоб-китоб қайдномалари, бирламчи бошланғич хужжатлар	Тўлиқ ва танланма
4	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад турлари билан танишиш ва уларни текшириш;	2 кун	Усманов М.	Молиявий ҳисобитнинг 1-шакли, журнал ордерлар, ҳисоб-китоб қайдномалари, бирламчи бошланғич хужжатлар	Тўлиқ ва танланма
5	Аудиторлик натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	1 кун	Усманов М.	Аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси	Тўлиқ

Аудиторлик ташкилоти раҳбари: Хасанов А.

_____ (imzo) _____

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Усманов М.


_____ (imzo) _____

Аудиторлик режаси ва дастурида бажариладиган тадбирларни амалга оширувчи аудиторлар ўзига бириктирилган тадбирлар юзасидан аудит қилишнинг тахминий кетма-кетлигини булгилаб олади ва шунга асосан аудиторлик текширувини маълум тартибда амалга оширади.

“SINO” АЖда ҳам қонунда белгиланган усуллар орқали “PERFECT AUDIT” МЧЖ томонидан 01.01.2015 дан 01.01.2016 гача бўлган давр оралиғида тузилган молиявий ҳисоботларни аудит текширувидан ўтказган ҳамда “SINO” АЖ фаолиятига ижобий баҳо берган (7-иловага қаранг).

Биз амалиёт даврида, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини ўрганиб, аудит объекти сифатида асосий фаолиятдан олинган даромадларини аудит қилишга ҳаракат қилдик. Бунда биз умумийликдан хусусийликка қараб аудит қилишни лозим топдик.

Дастлаб, аудитор аудит объекти сифатида корхонанинг асосий фаолиятдан олинган даромадларини аудит қилишда, корхонанинг ҳисоб сиёсати билан яқиндан танишиши лозим (12-расмга қаранг).



12-расм. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар аудитининг кетма-кетлиги

Ҳисоб сиёсатида келтирилган корхонанинг асосий фаолият турлари, даромадларнинг тан олиш усуллари в.б. ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Сўнгра бош китобда ушбу операцияларнинг бухгалтерия проводкалари тўғри берилганлигига ишонч ҳосл қилинади. Сўнгра асосий фаолиятдан олинган даромадларни тасдиқловчи дастлабки бирламчи ҳужжатлар билан танишиб чиқиши лозим. Буларга:

- Счет-фактуралар;
- Кирим касса ордерлари;
- Банк кўчирмалари
- Чеклар;

“Sino” акционерлик жамиятининг ҳисоб сиёситда белгиланганидек ушбу корхонада 12 турдаги маҳсулотни сотиш ушбу субъект фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу хўжалик юритувчи субъектда ҳисоблаш усулига мувофиқ маҳсулотлар жўнатилган сана ёки банкка тўлов-ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этган кун сотув амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

“Sino” акционерлик жамиятида ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлардаги каби маҳсулот, товар ва иш хизматларни сотишдан олинган даромадлар 9000 – “Асосий фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счетда юритилади.

“Sino” акционерлик жамияти нақд пулсиз кўринишда савдо қилганлиги туфайли ушбу 2 квартал давомида сотилган маҳсулотларнинг бошланғич ҳужжатларини, яъни счет-фактураларни ялпи текширдик. Счет фактураларни текшириш давомида дастлаб уларнинг Солиқ кодексида белгиланган тартибда тўғри ва аниқ расмийлаштирилишига эътибор қаратилди. Сўнгра уларда келтирилган суммаларни арифметик текшириб чиқдик. Чунки аудитор ушбу бирламчи ҳужжатларда келтирилган суммаларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши керак. Текширув якунида шу аниқландики, ушбу давр мобайнида расмийлаштирилган счет-фактуралардаги сумма билан

9010 счет оборот қайдномасида келтирилган суммалар тенглигига ишонч ҳосил қилдик.

Шу тарзда, бошланғич бирламчи ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ва ҳисоб регистрларида келтирилган маълумотлар таққосланиб, ўрганилаётган аудит объектига ижобий баҳо берилди.

Аудит жараёнининг кейинги босқичида корхонанинг 6 ойлик маълумотлари асосида барча кирим касса ордерлари билан бирма бир танишиб чикдик. Дастлаб ушбу давр мобайнида расмийлаштирилган барча кирим касса ордерларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофик расмийлаштирилганига, яъни уларнинг титул қисмига, барча реквизитларининг тўғри тўлдирилганига эътибор қаратилди. Сўнгра уларнинг асосий қисмига, яъни уларда келтирилган суммалар арифметик текширилиб уларнинг тўғри ва аниқлигига ишонч ҳосил қилинди.

Аудит жараёнининг сўнгида барча кирим касса ордерларининг суммалари 11-сон журнал ордер маълумотлари билан солиштирилди. Сўнгра ушбу журнал ордер маълумотлари бош китоб маълумотлари билан таққослаб чиқилиб, уларда келтирилган суммалар тенглигига ишонч ҳосил қилинди.

Шу тарзда, кирим касса ордерларида келтирилган маълумотлар ва ҳисоб регистрларида келтирилган маълумотлар таққосланиб, ўрганилаётган аудит объектига ижобий баҳо берилди.

Биз “Sino” акционерлик жамиятининг асосий фаолиятидан олинган даромадларини аудит қилиш жараёнида корхонанинг 2016 йил ярим йиллик маълумотларидан фойдаландик. Дастлаб, бош китобда ушбу давр ичида сотилган маҳсулотларга берилган проводкалар текширдик. Уларга қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилгани аниқландик (11-жадвал):

“SINO” АЖнинг 01.01.2016 – 01.06.2016 санаси учун 9000 счет**бўйича оборот қайдномаси**

№	МАНБА	ДЕБЕТ	КРЕДИТ	СУММА
1	Харидор ва буюртмачиларга сотилган	4000	9000	4 623 031,20
2	Шўба ва қарам хўжалик жамиятлари	4100	9000	163 756 000,00
3	Ходимлари бўнак сифатида берилган	4200	9000	184 228,02
4	Турли дебиторлик қарзлари	4800	9000	5 900 949,60
5	Меҳнат ҳақи учун ходимларга берилган	6700	9000	146 885 771,98
6	Кредиторларга берилган қарз	6900	9000	6 120 000,00

Бундан кўриниб турибдики, корхона даромадининг кўп қисмини шўба ва қарам хўжалик жамиятлари орқали олади. Ушбу давр мобайнида Шўба ва қарам хўжалик жамиятлари орқали олинган даромадлари 163 756 000 сўмни ташкил қилган. Шунингдек ушбу операция счетларда 21-сон БХМС га мувофиқ тўғри акс эттирилган.

Корхона ушбу давр мобайнида харидор ва буюртмачиларга сотган муҳсулотларидан олган даромади 4 623 031.20 сўмни ташкил қилган. Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисоби регистрларида 21-сон БХМС га мувофиқ тўғри акс эттирилган.

3.3. “SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар аудити

Асосий бўлган фаолиятдан олинган бошқа даромадлар деганда корхонанинг асосий воситалари ва бошқа активларини сотишдан олинган фойда, ундирилган жарималар, воз кечилган кредиторлик қарзлари, бепул келиб тушган активлар, инвентаризацияда аниқланган ортиқчалар, ТМБ ларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар ва бошқалар киради (13-расм).



13-расм. Аудит текширувидан ўтказилиши лозим бўлган асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар турлари

“Sino” акционерлик жамиятида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби 21-сон БХМСга мувофиқ 9300 – “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счет”ида юритилади ҳамда аудит жараёнида қуйидаги аналитик счетлар очилганлиги аниқланди. Булар:

- 9310 – “Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда;
- 9320 – “Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда;
- 9360 – “Воз кечилган кредиторлик ва депонентлик қарзлар”
- 9390 – “Бошқа операцион даромадлар”

Биз аудит жараёнида асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар аудитини текширишда умумийликдан оддийликка қараб текшириш усулини танладик.

Дастлаб корхонанинг молиявий ҳисобот шакллари ўрганилди. Баланс ҳисоботи маълумотлари бўйича 8700 – “Тақсимланмаган фойда” сметида келтирилган сумма ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдаги 9910 – “Якуний молиявий натижа” сметида келтирилган сумма билан тенглиги текширилди.

Кейинги босқичда 9910 – “Якуний молиявий натижа” сметидаги оборот-кайдномаси текширилиб, ушбу счетлар бўйича корреспонденциялашган счетлар аниқланди. Аниқланган маълумотларга кўра, ҳисобот даврида 9910 –

“Якуний молиявий натижа” сметиға 9300 – “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари” сметида 404 411,68 сўм ўтказилган.

Сўнгра бизнинг аудит объектимиш бўлган 9300 – “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари” сметидаги оборот қайдномаси ўрганилди. Ўрганиш натижасида қуйидаги маълумотлар аниқланди (12-жадвал).

12-жадвал

“SINO” АЖнинг 01.01.2016 – 01.06.2016 санаси учун 9300 смети бўйича обороти қайдномаси

№	МАНБА	ДЕБЕТ	КРЕДИТ	СУММА
1	Кредиторлик ва депонент қарзлари ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	6710	9360	900 000
2	Асосий воситаларнинг чиқимида фойда	9210	9310	1 020 618

Ушбу давр мобайнида “Sino” акционерлик жамиятида ходимлар иш ҳақидан воз кечган қарзлар суммаси жами 900000 сўмни ташкил этган ва 21-сон БХМСга мувофиқ тўғри бухгалтерия ёзувлари берилган. Шунингдек, корхона асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан кўрган фойда жами 10 020 618 сўмни ташкил қилган ҳамда ушбу операция 21-сон БХМСга мувофиқ сметида тўғри акс этирилганлигига ишонч ҳосил қилинди.

Аудит жараёнининг кейинги босқичида 9300 – “Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари” сметидаги оборот қайдномаси ўрганилгандан сўнг биз ушбу қайдномада келтирилган суммалар бошланғич бирламчи ҳужжатларда тўғри ва аниқ акс этирилганлиги билан қизиқдик. Ушбу давр мобайнида расмийлаштирилган барча смети фактуралар, далолатномалар ва шартномаларни ялпи бирма бир текшириб чиқдик.

Текшириш мобайнида дастлаб ҳужжатнинг титул қисми, расмийлаштириш тартиби, барча реквизитларнинг тўғри ва аниқ расмийлаштирилгани ва уларда ёзилган суммалар синчиклаб кўздан кечирилди.

Аудит жараёнинг якунида ушбу корхонанинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлари ҳисоби амалдаги қонун ҳужжатларга ҳамда БХМС ва АФМСларга мувоқиқ юритилганлиги сабабли ушбу аудит объектига ажобий баҳо берилди.

3.4. “SINO” АЖда асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва даромадлилик даражасини ошириш бўйича аудиторлик тавсиялари

Аудиторлик текширувларида аудиторларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб корхоналарда улар олаётган даромадлар ҳамда даромадлилик даражаларини қатор йиллар ичида ўзгариш тенденцияларини ўрганиш ҳамда уларга баҳо бериш ҳисобланади. Афсуски, аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган текширувларда ушбу муҳим ишларга етарлича эътибор берилмайди. Чунончи, “Сино” АЖда охирги йилларда ўтказилган аудиторлик текширувлари якунлари бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботларида даромадлар ва даромадлилик даражалари тенденцияларинининг ҳолати умуман акс эттирилмаган.

Даромадлар ҳолати тенденцияларига аудиторлик баҳосини бериш учун реаллиги текширилган “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”лар асосида қуйидаги аудиторлик иш ҳужжатини тузишни фойдадан холи бўлмайди, деб ҳисоблаймиз (13-жадвалга қаранг).

13-жадвалдан кўриниб турибдики, “Сино” АЖда даромадлар охирги йилларда ўсиш тенденциясига эга. Чунончи, 2017 йилда жами даромадлар 2015 йилга нисбатан 5529140 минг сўмга, яъни қарийб 2 марта ошган. Корхонанинг жами даромадларида асосий фаолиятдан олинган даромадлар асосий ўринни эгаллайди. Уларнинг жами даромадлардаги улуши 2015 йилда 96 %ни , 2016 йилда 99,6 %ни , 2017 йилда 98,9 %ни ташкил этган. 2017 йилда асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг жами даромадлардаги улуши 2,9 %га ошган. Шу билан бирга, сотишдан олинган даромадлар улуши 4,9 %га ошган, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар улуши 2,0 %га пасайган.

Шунингдек, аудиторлар томонидан корхоналар даромадлилилик даражалари ва улар тенденцияларига баҳо бериш ҳам ўта муҳим. Бунинг учун текширилган “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”лар асосида қуйидаги аудиторлик иш ҳужжатини тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (14-жадвалга қаранг).

14-жадвалдан кўриниб турибдики, “Сино” АЖда даромадлик даражаси йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга. Чунончи, сотишдан олинган ялпи фойдалилик даражаси 2015 йилда 48,8%, 2016 йилда 52,8%, 2017 йилда 55,7 %ни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 110%ни ташкил этган ёки 1,1мартага ошган.

Асосий фаолиятнинг фойдалилик даражаси 2015 йилда 23,9%, 2016 йилда 33,4%, 2017 йилда 38,5 %ни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 160%ни ташкил этган ёки 1,6мартага ошган.

Асосий фаолиятнинг рентабеллик даражаси 2015 йилда 5%, 2016 йилда 9,7%, 2017 йилда 11,1 %ни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 220%ни ташкил этган ёки 2,2мартага ошган.

“Сино” Ажда 2015-2017 йилларда даромадлар ва улар таркибидаги ўзгаришлар

Даромад тури	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2017 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариш	
	Сумма, минг сум	Улуши, %	Сумма, минг сум	Улуши, %	Сумма, минг сум	Улуши, %	Сумма, минг сум	Улуши, %
1.Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар	6664947	94,0	11800445	94,0	12450411	98,9	5785464	4,9
2.Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	115770	2,0	706465	5,6	0	0	-115770	-2,0
3.Молиявий фаолиятга доир даромадлар	275602	4,0	49221	0,4	135048	1,1	-140554	-2,9
4.Фавқулотдагн даромадлар	0	0	0		0	0	0	0
Жами	7056319	100,0	12556131	100,0	12585459	100,0	5529140	X

**“Сино” Ажда 2015-2017 йилларда даромадлилик даражалари ва
улардаги ўзгаришлар**

Даромад тури	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2017 йил 2015 йилга нисбатан %ларда
		2015	2016	2017	
1.Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар	Минг сўм	6664947	11800445	12450411	187
2.Сотиш таннари	Минг сум	3409653	5564189	5512304	160
3.Сотишдан олинган ялпи фойда	Минг сум	3255294	6236256	6938107	210
4.Ялпи фойдалилик даражаси	%	48,8	52,8	55,7	110
5.Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	Минг сум	115770	706465	0	0
6.Давр харажатлари	Минг сум	1752628	2759561	2146120	120
7.Асосий фаолиятдан олинган фойда	Минг сўм	1618436	4183160	4791987	290
8.Асосий фаолиятнинг фойдалилик даражаси	%	23,9	33,4	38,5	160
9. Соф фойда	Минг сум	80010	404956	535685	670
10.Асосий фаолиятнинг рентабеллиги	%	5,0	9,7	11,1	220

Шундай қилиб, юқорида келтирилган аудиторлик таҳлили маълумотларидан кўриниб турибдики, “Сино” АЖда асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва бу фаолиятнинг даромадлилик ҳамда рентабеллик даражалари умуман юқоридир. Шу билан бирга давр харажатлари суммасини маълум даражада тежаш унинг асосий фаолияти рентабеллигини янада ошириш имкони борлигини кўрсатади.

3.5. “SINO” АЖда ҳаёт хавфсизлиги ҳолати ва унинг аудити

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти самарадорлиги ва ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш унинг ҳаёт хавфсизлигига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси” ва “Фуқаролик Кодеси” талаблари бўйича корхоналарда ходимларга маълум шарт-шароитлар яратилиши керак. Бундай шароитларни корхона раҳбарияти томонидан яратилади. Ишчи-хизматчиларга меҳнат шароитларини яратиш бўйича маъмуриятнинг мажбурияти ва вазифалари ишчи-ҳодимлар билан тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилади.

Битирув малакавий ишининг объекти бўлган «SINO» АЖ ўзининг уставига эга. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- Музлаткичлар, совуткичлар, кондиционерлар ва бошқа маиший-электр асбобларини ишлаб чиқариш ва улар билан чакана ва улгуржи савдони амалга ошириш, юридик ва жисмоний шахсларга улрни таъмирлаш ва тиклаш бўйича хизмат кўрсатиш;

- Бошқа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- Ташишнинг барча турларини амалга ошириш: юк ва йўловчи, транспортнинг барча турларида экспорт ва импорт, транзит, шунингдек, хусусий ва ижарага олинган асосда халқаро ташишлар;

- Кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- Электр жиҳоз ва асбобларни олиб келиш ва сотиш;

- Реклама ва эълонлар билан шуғулланиш;

- Полиэтилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- Экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан маън қилинмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши мумкин.

Мазкур жамият қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатида кўрсатилмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

Жамият фаолият турларини амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия)га эга. Корхонада ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ва ходимларнинг унумли меҳнати учун шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга асосан қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш жараёни ва усуллари, мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаши кўзда тутилган. Корхона ходимларининг соғлиғи ва меҳнатни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан эканлиги эътироф этилган. Мамлакатимиз Конституциянинг 37-моддасида «Барча ёлланиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади», 39-моддада эса «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» дейилган.¹⁴ Ушбу вазифалар корхоналарда ходимларга тиббиёт хизмати ҳеч бир чекланишларсиз, турли-туман тиббий хизматларни ташкил этилиши, ўзларининг даволаш муассасаларига эга бўлишлари ва ишчиларнинг малакали тиббиёт хизматидан фойдаланишларига имконият яратади.

Юртимиз фуқароларнинг меҳнати муҳофазаси Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, Меҳнат Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низом» вабошқа меёрий ҳужжатларда турли давлат стандартлари ва кўрсатмалари асосида ҳуқуқий жиҳатдан асосланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат Кодекси”да(8-24- моддалар) ходимларнинг меҳнат муҳофазаси, муҳофаза талабларига тўғри риоя қилиш, хавфсиз шароитларни таъминлаш, муҳофаза хизматлари ва ижтимоий суғурта,

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012

меъёрий хужжатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари кенг ўрин олган.

Корхоналарнинг ҳаёт хавфсизлиги ёнғин хавфсизлигини, авария ҳолатларини олдини олиш, ишчи-ходимларнинг саломатлигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Амалдаги қонунчиликда аёлларнинг меҳнати, уларнинг муҳофазасини таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Аёлларнинг оиладаги мавқени ҳисобга олиниб улар учун алоҳида имтиёзлар белгиланган. Аёллар соғлигига зарар келтирадиган ишларга аёлларни жалб қилиш таъқиқланган. Аёлларнинг захарли моддалар ажралиши билан боғлиқ бўлган, ер ости ва бошқа ишларда ишлашларига йўл қўйилмайди. Ҳомиладор ва эмизувчи аёлларга махсус шароитлар яратилади. Бундай аёлларни ва 8 ёшгача фарзанди бўлган аёлларни , дам олиш кунларидан ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарларига юбориш тақиқланади. Корхона маъмурияти бундай аёлларни тиббиёт ҳакамлари ҳулосасига асосан, ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда енгил ишларга жалб қилиши керак. Аёлларга туғиш олдидан ва тукқандан кейин 56 календар кундан ҳақ тўланадиган дам олиш кунлари белгиланган. Саноат маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишловчи аёллар учун махсус хоналар (бола эмизиш хоналари, душ хоналари ва шахсий гигиена хоналари) ташкил қилинади.

Меҳнат қонунчилигида ўсмирлар меҳнатидан тунгги ишларда, ишдан кейин қолиб ишланадиган ишларда, дам олиш кунларида фойдаланиш қатий тақиқланади. Қонунчиликда 18 ёшга тўлмаган ўсмир болаларга фақат 16 кг гача, қизларга эса 10 кг гача бўлган оғирликдаги юкларни кўтаришлари кўзда тутилган. Ўсмирлар ишга қабул қилинаётган вақтда албатта тиббиёт кўригидан ўтказишлари шарт. Ўсмир бажараётган иш, унинг соғлигига салбий таъсир кўрсатаётгани сезилса, у дарҳол хавфсиз ва енгилроқ ишга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талаблари бўйича ҳар бир корхона ўз ишчи ва хизматчиларига ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирийд чораларни ишлаб чиқиши керак.

Ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги борасида йўл қўйилган ҳар қандай камчиликлар учун корхона маъмурияти жаримага тортилади.

Корхонанинг ҳаёт хавфсизлигида тасоддий ёнғиннинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Корхоналарда тасаддуфий ёнғинлар турли сабаблар туфвили келиб чиқиши мумкин. Ушбу сабабларга қуйидагилар киради:

- жиҳозларнинг носозлиги;
- электр узаткичлари сифатининг пастлиги;
- хавфсизлик қоидаларига тўдиқ риоя қилмаслик;
- маъсул шахсларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлишлари;
- ёнғин билан боғлиқ жиҳозлар, ўтказгичларнинг белгиланган муддатларда кўриқдан ўтказилмаганлиги ва бошқа сабаблар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб корхонада ушбу масалалар бўйича тушунтириш ишлари(инструктажлар) ўтказилиб турилиши керак. Инструктажларни ўтказиш вақтида барча мутахассислар ва ишчилар бевосита иштирок этишлари керак. Ёнғинга қарши инструктажлар икки хил бўлади:

- режали инструктаж;
- режадан ташқари инструктаж.

Режали инструктаж олдиндан тузилган режа бўйича ўтказилади.

Режадан ташқари инструктаж корхонада технологик жараёнлар ўзгарганда, янги машина ва техникаларнинг сотиб олиниши ва фойдаланиши натижасида ўтказилади.

«SINO» АЖ ҳаёт хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича қуйидаги таклифларни берамиз:

- корхонада ҳаёт хавфсизлигини яхшилаш давом эттириш;
- корхонада меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш бўйича маъмуриятга юклатилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш;

○ ходимлар учун уларнинг малакасига қараб алоҳида иш ўринларини тақдимлаш;

○ корхона ходимларига вақтида дам олишлари учун шароитлар яратиш;

○ ишчи ва ходимларни меҳнат қуроллари билан тўлиқ таъминлаш;

○ корхонада ёнғин хавфсизлигига қаратилган тадбирларнинг тўлиқ бажаришга эришиш;

○ корхонада ички тартиб-интизомга тўлиқ риоя қилинишига эришиш.

Юқоридаги таклифларнинг қабул қилиниши ва унга риоя қилиш «SINO» АЖда ҳаёт хавфсизлиги тўлиқ таъминланади ва ходимларнинг меҳнат унумдорлиги янада ошади.

ХУЛОСА

Ишлаб чиқариш корхоналари асосий фаолиятдан олинган даромдлар ҳисоби ва аудитини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш бизга қуйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди:

1. Фаол тадбиркорлик, янги инновацион гоё ва технологиялар асосида корхоналарни модернизациялаш, уларда ишлаб чиқарилаётган махсулотларни диверсификациялаш, сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ҳамда экспортбоплигини таъминлаш энг устувор вазифалардир. Ушбу устувор вазифаларни бажарилиши бир томондан, корхоналар оладиган даромадларни кўпайишига, иккинчи томондан эса даромадларни ошириш евазига катта миқдорда фойдага эришишга олиб келади.

2. Корхоналар асосий фаолиятдан олинадиган даромадларнинг муҳим аҳамиятга моликлиги уларни бошқарувнинг таъсирчан дастаклари булган ҳисоб ва аудитни энг долзарб объектлари сифатида тавсифлайди.

3. Ўзбекистон республикасида мустақиллик йилларида асосий фаолиятдан олинган даромдлар ҳисобини буткул янги меъёрий ҳукукий асослари яратилди. Чунончи, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг махсус моддасида даромадлар ҳисоб объектларининг таркибий элементи эканлиги белгиланди. Уларни моҳияти, тан олинishi, баҳоланиши, ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартибларига оид миллий стандартлар қабул қилинди.

4. Даромадлар ҳисобини корхоналарда, чунончи, “SINO” АЖда ташкил этиш ҳолатини ўрганиш уларда янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни жорий этилганлиги, охириги йилларда тез ривожланаётган корпоратив бошқарув тизими талабларига мослаштирилаётганлигидан дарак беради. Тадқиқот объекти сифатида танланган “SINO” АЖ ўзининг ҳисоб сиёсатиға эға. Корхонада барча БХМСлар жорий этилган. Акционерлик жамияти мажбурий аудиторлик субъектиға қиради, унда ички аудит хизмати ташкил қилинган. Охириги 2 йилда корпоратив бошқарув тизми талабларига қура миллий

стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисобот шакллари халқаро стандартлар асосидаги молиявий ҳисобот шаклларига трансформация қилинмоқда, унга аудитнинг халқаро стандартлари асосида ҳулосалар олинмоқда.

5. Шу билан бирга “SINO” АЖда даромадлар ҳисоби ҳолатини ҳозирги замон талабларига тулиқ жавоб беради деб бўлмайди. Чунончи, қўлланилаётган счётлар режаси сотишдан олинган ва асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисоби учун мўлжалланган кенг қамровли счётларни ўз ичига олмаган. Бу, уз навбатида, асосий фаолиятга доир барча даромадлар тўғрисидаги тизимли ахборотларни қўшимча ишловсиз олишга тулиқ имкон бермайди. Корхонада маҳсулот сотишда иш хаки ҳисобидан ҳамда вужудга келган кредиторлик қарзларни коплаш мақсадида уз маҳсулотларини бериш ҳолати мавжуд.

6. Бундан ташқари корхонада бухгалтерия ҳисобини юритишда 1С дастуридан фойдаланишнинг тўлиқ ва мукамал йўлга қўйилмаганлиги, жамиятда мавжуд ҳисоб тизимининг халқаро стандартларга тўлиқ даражада мувофиқ эмаслиги яққол кўзга ташланади;

7. Корхонада ички аудит хизмати ташкил этилган бўлсада уни таъсирчан доираси етарлича эмас. Чунончи, ички аудит хизмати режаси ва дастурларида корхона даромдлари ва даромадлилик даражасини мунтазам таҳлил этиб бориш назарда тутилмаган. Шунингдек мажбурий аудит текшируви якунлари бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботларида ҳам ушбу масалалар атрофлича очиб берилмаган.

8. “SINO” АЖ ҳисоб ва ҳисоботни яна ҳам такомиллаштириш учун бизнингча, қуйидаги чора-тадбирлар қабул қилиниши лозим

- Асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг ҳар бир тури бўйича синтетик счётларни ишчи счётлар режасига киритиш;
- Бухгалтерия ҳисобини компютерларда юритишнинг замонавий версиясини жорий қилиш;
- Маҳсулотларни сотишда бартерга йул қуймаслик;

- Ички аудит хизмати режа ва дастурларига даромадлар ва даромадлилиқ даражасини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш ва улар тўғрисидаги ахборотларни бошқарув органига ўз вақтида етказиш;
- Ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мослаштириш;
- Бухгалтерия хизмати ходимларини ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартларга трансформация қилиш бўйича қайта ўқитиш;
- Корхонада ҳаёт, меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги ҳолатини, уларга доир қабул қилинган чора тadbирларни ҳамда ажратилган молиялаштириш манбаларидан тўғри фойдаланишни мунтазам назоратини ўрнатиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

I. Қонунлар, Фармонлар, Қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабр (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. “Адолат” нашриёти, 2007 йил (кейинги ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1995 йил 21 декабр (кейинги ўзгариш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, (янги таҳрири) 2016 йил 13 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, (янги таҳрир) 2000 йил 26 май.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ -4947 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 7 феврал.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” Фармони, 2018 йил 22 январ.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сонли Қарори, 2017 йил 29 декабр.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида” ги 365-сонли Қарори, 2000 йил 22 сентябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли Қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш

харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, 1999 йил 5 феврал.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 140-сонли буйруғи. “Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари”, 2002 йил 27 декабр.

12. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1988 йил 14 августда 475-сон билан рўйхатга олинган.

13. 1-сонли БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-17/86-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1988 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган.

14. 2-сонли БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар” Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 26.08.1998 й. N 483

15. 3-сонли БҲМС “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августда 43-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1988 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатга олинган.

16. 15-сонли БҲМС “Бухгалтерия баланси”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 12 мартдаги 45-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 20 мартдаги 1226-сон билан рўйхатга олинган.

17. 21-сонли БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий –хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрдаги 1181-сон билан рўйхатга олинган.

18. 3-сонли АФМС “Аудитни режалаштириш”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 июлдаги 54-сон буйруғи билан

тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 10 ноябрдаги 837-сон билан рўйхатга олинган.

19. 6-сон АФМС “Аудитни хужжатлаштириш”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 августдаги 61-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрдаги 812-сон билан рўйхатга олинган.

20. 9-сон АФМС “Муҳимлик ва аудиторлик rischi”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 4 августдаги 63-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 3 сентябрдаги 813-сон билан рўйхатга олинган.

21. 50-сонли АФМС “Аудиторлик далиллари”. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 3 апрелда 48-сон буйруғи билан тасдиқланган .

22. 70-сонли АФМС “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган.

II. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И. А. Каримов ҳамда амалдаги президент Ш.М. Мирзиёевнинг маъруза ва асарлари:

1. Каримов И. А. Бош мақсадимиз –кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Т.: “Ўзбекистон”, 2013 й.

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: “Ўзбекистон”, 2009 й.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т: “Ўзбекистон”, 2016 й.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 й.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 й.

III. Монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва мақолалар:

1. Абдурахмонов Ҳ. Жаҳон амалиётида солиқ имтиёзларининг қўлланиши. Ўзбекистон иқтисодиёт ахборотномаси. №3, 2002 й.
2. Аҳматжанов К., Якубов И. “Аудит асослари” дарслик. Тошкент “Иқтисод-Молия”, 2010 й.
3. Дўстмурадов Р.Д. ва бошқалар “Аудит” ўқув қўлланма. Тошкент “Иқтисод-Молия”, 2008 й.
4. Мусаев Ҳ.Н. “Аудит” дарслик. Тошкент “Молия”, 2003 й.
5. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б. “Молиявий ҳисоб” маъруза матнлар тўплами. Самарқанд Сам ИСИ босмохонаси. 2014 й.
6. Уразов К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ўқув қўлланма. Т.: “Ўқитувчи нашриёти. 2014 й.
7. Уразов К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби назарияси” маърузалар тўплами. Самарқанд СамИСИ босмохонаси. 2014 й.
8. Уразов К.Б., Пашаходжаева Д.Д., Сайид-Ахмедов Т.Н. “Фойда солиғини такомиллаштириш йўллари” илмий мақола. 2018 йил 17-19 феврал.
9. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б., Исроилов Ё.Ж., Пашаходжаева Д.Д., Мардонов М.Ш. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари”. Монография-Т.:Иқтисодиёт , 2011 й.
10. Файзиев Ш.Н. “Аудитнинг босқичлари ва ҳужжатлари”. Услубий қўлланма. Тошкент ТМИ, 2009 й.
11. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Т.: “Ғофур Ғулом”, 2000 й.
12. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т. : Фан ва технология, 2005.

IV. Интернет сайтлари:

www.fcm.uz

www.lex.uz

www.my.soliq.uz

www.norma.uz

www.sies.uz

www.stat.uz

www.ziyonet.uz

ИЛОВАЛАР